Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 202 (9192). 25 октябрь, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

МАЖБУРИЯТ — 7 НОЯБРГА

● БЎКА. «Ленинобод» колхози пахтакорлари бу йилги мураккаб шароитда тадбиркорлик билан иш тутиб, 820 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлган эдилар. Улар йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан давом эттириб, дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ҳар гектар майдондан 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 2700 тонна юқори сортли хом ашё етказиб берилди ва йиллик план муддатидан илгари адо этилди.

Хўжалик ютуғига КПСС XXVI съезди делегати Инобат Ҳожибекова, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Узоқ Сандов, Абдумажид Солмонов, Ҳайдарқул Байрамов сингари тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган бригада коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Хўжалик пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Шуни ҳисобга олган пахтакорлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор қилдилар. Бу марра Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги байрамигача эгалланади.

АСОСИЙ МАРРА — ОЛДИНДА

● КОММУНИСТИК. Райондаги яна бир йирик хўжалик маррага етди. «Ленинский путь» колхозида 1182 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, йиллик план бажарилди.

Шу кунгача 40—45 центнердан ҳирмон кўтарган Валентин Тен, Василий Кан, Андрей Ли бошлиқ бригада коллективлари йиллик планнинг барвақт бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда колхоз пахтазорларида 40 центнерлик марра учун қураш давом эттириляпти.

УЧИНЧИ ДОВОН САРИ

● «ПОЛИТОТДЕЛ» колхозининг Гим Ким етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари халқ хўжалик планини биринчилар қаторида бажарган эдилар. Ўтган куни эса 77 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтариб социалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Иккинчи довон эгалланган бўлса-да, бригада пахтазорларида йиғим-терим давом эттириляпти. Илғор коллектив ҳар гектар майдондан яна 2 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга қарор қилди.

БАЛЛИ, ҲАШАРЧИЛАР

● ПИСКЕНТ. Олмалиқ шаҳар корхоналаридан ёрдамга чиққан ҳашарчилар шу кунгача «оқ олтин»дан 4,5 минг тонналик ҳирмон уйдилар. Ёрдамчилар ўртасидаги социалистик мусобақада кунига 7—7,5 тоннадан пахта тераётган 126-ҳунар-техника билим юрти коллективи пешқадамлик қиляпти.

«МАДАДКОР—83»НИНГ МАРРАСИ

● ОҚҚЎРҒОН. Чилонзор район халқ маорифи бўлими томонидан ташкил этилган «Мададкор—83» отряди аъзолари бу йилги мавсумда 100 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган. Отряднинг 145 нафар аъзоси айни кунларда терим суръатини янада жадаллаштирмоқда.

Ҳашарчилар кунига 3,5 тоннага етказиб пахта термоқдалар. Уларнинг шу кунгача уйган ҳирмонлари 40 тоннага етди. Виктор Тележников, Ойимхон Тўлаганова, Гулчеҳра Саидқосимова, Фарида Усмонова сингари ҳашарчилар кунига 50 килограммдан ошириб пахта териб суръатга қанот бағишлаяптилар.

2400 ТОННА ҲИРМОН УЧУН

● БЕКОБОД. «Далварзин» совхозининг Иномжон Ортиқов бошлиқ учинчи бўлими аъзолари 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, пахта тайёрлаш йиллиқ халқ хўжалик планини барвақт бажардилар. Қабул пунктларига топширилган 2000 тонна «оқ олтин»нинг 1500 тоннаси уруғлик пахтадир.

Пешқадам бўлим коллективи ҳосилдорликни 40 центнерга, давлатга топшириладиган жами хом ашёни эса 2400 тоннага етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиряпти.

БАЙРОҚ «АВТОМОБИЛИСТ» ОТРЯДИ ҚЎЛИДА

● ЯНГИЙЎЛ. Район комсомол-ёшларидан ташкил топган «Автомобилист» зарбдор отряди аъзолари «Интернационал» колхози пахтакорларига баракали ёрдам кўрсатмоқдалар. Отряднинг 70 нафар аъзоси шу кунгача колхоз ҳирмонига 20 тоннадан знёд «оқ олтин» териб тўкди.

Ҳашарчилар ўртасида ташкил этилган мусобақанинг сўнгги беш кунлик натижасига якун ясалганда «Автомобилист» отрядининг аъзолари ғолиб чиққанлиги маълум бўлди. Уларга районнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН



● Обида ДАДАЖОНОВА Бўка районидаги Фрунзе номли колхозининг чевар теримчиларидан. У мавсумда 12 тонна пахта териш учун курашмоқда.

А. Тўраев фотоси.



● Ходиса БЕШЕТОВА Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози хирмонига 5 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди. Чевар теримчи мавсумда 7 тонналик шахсий хирмон уйишга қарор қилган.

С. Абдуллаев фотоси.



● Қумри ТЎХТАЕВА номини «Пискент» совхозининг 2-бўлими аъзолари ҳурмат билан тилга олишади. Мавсумда 10 тонна пахта териш мажбуриятини олган бу чевар қиз кўпмингкилограммчилар мусобақасида пешқадамлик қилаётир.

А. Икромов фотоси.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз! Иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан тўла самара билан фойдаланингиз!

(КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан)



«Оқ олтин» ерда қолмайди.

А. Икромов фотоэтюди.



● Маҳбуба Ўринова Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозининг чевар теримчиларидан биридир. У кўпмингкилограммчилар меҳнат беллашувида пешқадамлар сафида бормоқда.

В. Портнов фотоси.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу ужмладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	1,21	97,38	1,27	92,92
Коммунистик	1,50	95,15	1,12	100,27
Оққўрғон	1,23	85,46	0,89	77,25
Пискент	1,64	85,20	0,73	60,49
Ўрта Чирчиқ	1,30	83,39	0,89	76,85
Бекобод	1,28	81,63	1,34	53,57
Чиноз	1,31	76,72	1,10	51,38
Ғалаба	1,15	76,41	0,63	63,47
Янгийўл	1,13	67,29	0,85	34,04
Область бўйича:	1,28	83,81	1,00	69,50

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ МЕҲНАТ МАРОМИ

Саноат ходимлари маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планини 101 процент бажардилар. Ҳамма саноат министрликлари ва иттифоқдош республикалар маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган планни бажардилар. Кўпгина энг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди, дейилади СССР саноатида Давлат планининг 1983 йил тўққиз ой мобайнида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш жадаллашди, асосий иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 3,5 процент ошди; маҳсулотни кўпайтиришнинг 88 проценти шунинг ҳисобига олинди.

Умуман саноатда ва кўпчилик министрликларда меҳнат унумдорлиги ўртача иш ҳақининг ошишидан илдамроқ ўсиб борди; шу кўрсаткичларнинг нисбати яхшиланиб, йиллик план ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳолга келди. Маҳсулот таннархини ва унга ишлатиладиган материални камайтириш топшириқлари бажарилди, фойда кўпайди.

Умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди: электр энергия — 1033 миллиард киловатт-соат; нефть (газ конденсатни ҳам қўшиб ҳисобланганда) — 463 миллион тонна; газ — 393 миллиард куб метр; кўмир — 538 миллион тонна; пўлат — 114 миллион тонна; қора металлар прокати (тайёр) — 79,3 миллион тонна; пўлат қувурлар — 14,1 миллион тонна; темир руда — 184 миллион тонна; минерал ўғит (тўйимли моддаларнинг 100 процентига айлантириб ҳисобланганда) — 22,2 миллион тонна; ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари (шартли бирликларда) —420 минг тонна; синтетик смола ва пластмассалар — 3,3 миллион тонна; химиявий тола ва ип—994 минг тонна, автопокришкалар — 46,3 миллион дона; металл қирқиш станоклари 1648 миллион сўмлик, шу жумладан рақамли программа билан бошқариладиган станоклар 449 миллион сўмлик; темирчилик-пресслаш машиналари — 495 миллион сўмлик; программа асосида бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари) — 7,9 минг дона; приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — 3,2 миллиард сўмлик; ҳисоблаш техникаси воситаси ва уларнинг запас қисмлари — 2,4 миллиард сўмлик; химиявий машина-ускуналар ва уларнинг запас қисмлари — 612 миллион сўмлик; енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари ва уларнинг запас қисмлари — 1,2 миллиард сўмлик; магистрал юк вагонлари — 44,0 минг дона; қишлоқ хўжалик машиналари — 2,6 миллиард сўмлик; чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар — 1,8 миллиард сўмлик; комбайнлар — 87,9 минг дона; лавлаги кавлаб олиш машиналари — 7,0 минг дона; пахта териш машиналари — 7,6 минг дона; экскаваторлар—31,5 минг дона; иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — 210 миллион тиғиз куб метр; қоғоз— 4,2 миллион тонна; цемент — 95,7 миллион тонна.

8,4 миллиард квадрат метр барча турдаги газлама; 17,4 миллиард сўмлик тикилган буюмлар; 1,2 миллиард дона ички ва устки трикотаж; 550 миллион жуфт чарм пойабзал; 7,3 миллион тонна гўшт (саноатда ишлаб чиқарилган); 2,3 миллион тонна колбаса маҳсулотлари; 5,1 миллиард сўмлик озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари; 1,2 миллион тонна сариёғ; 21,1 миллион тонна ҳаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, сутга айлантириб ҳисоблаганда; 1,8 миллион тонна ўсимлик ёғи; 3,0 миллион тонна кондитер маҳсулотлари; 13,2 миллиард шартли банка консервалар; 52,3 миллион дона соат; 652 миллион сўмлик чинни-фаянс ва майолика идишлар; 6,9 миллион дона радиоприёмниклар; 6,4 миллион дона телевизорлар, шу жумладан 2,5 миллион дона рангли тасвирли телевизорлар; 4,2 миллион дона холодильниклар ва музлатиш асбоблари; 3,2 миллион дона кир ювиш машиналари; 986 минг дона енгил автомобиллар; 840 минг дона мотоцикллар ва мотороллерлар; 5,2 миллиард сўмлик мебель ҳам тайёрланди.

Нефть, газ қазиб олиш, пўлат қувурлар, автопокришкалар, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари, тепловозлар, электровозлар, қоғоз, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун бошқа машина-механизмлар ишлаб чиқариш плани бажарилди.

Ишлаб чиқариш соҳасида тасдиқланган топшириқлардан орқада қолаётган маҳсулот энг муҳим турларининг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Тежамли турдаги металл маҳсулотлар, саноат роботлари, анча юксак техникавий-иқтисодий параметрларга эга бўлган машина ва ускуналар, рақамли программа ёрдамида бошқариладиган ҳамда «Қайта ишловчи марказ» типидаги металл қирқиш станокларини ишлаб чиқариш кўпайди.

Халқ истеъмол молларининг кўпчилигини: зиғир толасидан тўқилган газламалар, баликдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, ҳаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлар, чинни-фаянс ва навли идишлар, радиоприёмниклар, телевизорлар, енгил автомобиллар, мебель ва бошқа бир қанча маҳсулотларни ишлаб чиқаришни планлаштирилган ҳажмига етиб олинди.

Шу билан бирга саноат министрликлари ва жумладан, Қора металлургия, Кўмир, Химия, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати, Энергетика, Оғир ва Транспорт машинасозлиги, Енгил саноат, Ўрмон целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрликлари ўзларига қарашли бирлашма ва корхоналарнинг тузилган шартномаларга ва ижро этиш учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришлари учун зарур чораларни кўрмадилар.

Синтетик смола ва пластмасса, химиявий тола ва ип, ўзгарувчан ток, электр двигателлари, химия асбоб-ускуналари, иморатбоп ёғоч, йиғма темир-бетон, ички ва устки трикотаж, чарм пойабзал, кир ювиш машиналари ва бошқа баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, жамғарма олиш планларини бажармадилар, аҳолига манзур бўлмайдиган маҳсулотни ишлаб чиқаравердилар.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш тадбирлари амалга оширилди. Саноат корхоналарида 6 мингта механизациялаштирилган поток ва автомат линия ўрнатилди, 3,5 мингта участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтказилди. Технология жараёнларини автомат усулда бошқарадиган 153 та система яратилди. 2000 тадан кўпроқ янги маҳсулот ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди, саноат маҳсулотининг 2500 тага яқин эскириб қолган турини ишлаб чиқариш тўхтатилди. Бироқ саноат янги техникани ўзлаштириш ва жорий этиш юзасидан белгиланган бир қанча топшириқларни бажармади.

Меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва белгиланган планларнинг ҳамда қабул этилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида ишни давом эттирмоқдалар.

(ТАСС).

ХУШХАБАР

МАШИНАДА 24 МИНГ ТОННА

КОММУНИСТИК РАЙОНИ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРИ МАШИНАДА ПАХТА ТЕРИШ ПЛАНИНИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

ПАХТАЧИЛИККА комплекс механизацияни жорий этиш учун курашаётган Коммунистик райони дала гвардиячилари йиғим-терим мавсумида ишни ипатоволиклар усулида ташкил этиб, агрегатлар қувватидан юксак унум билан фойдаланишга эришдилар. Натижада йиллик планда белгиланган 23 минг тонна ўрнига 24 минг тонна «оқ олтин»» машиналар бункеридан тўкилди.

«Правда», «Политотдел», «Ленинский путь» колхозларида машина терими, айниқса, намунали уюштирилди. Бу хўжаликларда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олиниб, юқори сортларга топширилди.

Механик-ҳайдовчилар ўртасида кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада карвонбошилик қилган «Политотдел» колхозидан Шуҳрат Эргашев, Абдушукур Қурмашев, «Ленинский путь» колхозидан Абдурашид Усмонов сингари тажрибали дала гвардиячилари шу кунгача 190—210 тоннадан «оқ олтин» териб беришди.

БУ СОВХОЗ чорвадорлар ўртасида ўтказилаётган мусобақада ғолиб чиқиб, сурункасига бир неча йилдан буён республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки хўжаликда кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб, унинг иқтисодий қуввати ортиб бормоқда. Агар совхоз ташкил этилган дастлабки йилларда давлатга 200 тоннадан гўшт топширилган бўлса, ҳозир йилига 700 тонна ва ундан ошириб семиз гўшт эл дастурхонига тортиқ қилинаётир. Ҳар бир қўйнинг ўртача тирик вазни 57—58 килограммданга тўғри келмоқда. Ҳар юз бош совлиқдан ўртача 115—120 тадан қўзи олинаётир. Жун қирқиб топшириш ҳам кўпаймоқда. Буларнинг ҳаммаси — қўйчилик чорвачиликнинг сердаромад, ғоят истиқболли, муҳим тармоғи эканлигидан далолат бериб турипти.

Лекин бундай кўрсаткичларга эришишнинг ўзи бўлаётгани йўқ, албатта.

Қўйнинг тирикчилиги яйлов билан. Шунинг учун ҳам халқимиз яйлов кўрки мол билан, деб бежиз айтмайди. Лекин яйловларда ўт-ўланлар гуркираб ўсмаса, мол, қўй яйраб ўсолмайди, албатта. Ўт-ўланларнинг сероб бўлиши эса баҳор, кузнинг, қишнинг қандай келишига боғлиқдир. Ёғингарчилик сероб бўлса, нур устига нур. Баҳорда яйловлар кўм-кўк майса гиламлар билан қопланади. Қўй-қузилар тўйиб овқатланиб, дуркун, соғлом ўсади. Баҳор қуруқ келиб қолса-чи? Бу ҳолда чўпонларнинг иши анча мураккаблашади. Шунинг учун ҳам яйловлар самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш керак.

ЯЙЛОВ КЎРКИ МОЛ БИЛАН

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ҚЎЙЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СОВХОЗНИНГ ЯЙЛОВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Совхоз директори Аббосхўжа Бакиров ана шу ҳақда кўп ўйлади. Ботаника институти олимлари, илмий ходимлари билан маслаҳатлашди. Улар сувсизликка, иссиққа, совуққа чидамли изень ўти уруғини экиб, кўпайтиришни маслаҳат бердилар. Директорга бу таклиф жуда маъқул бўлди. Олимлар билан ҳамкорликда ишга киришиб кетди. Тўрт гектар ерга махсус ишлов берилди. Бу майдонга изеннинг турли навларидан экиб ўстирилди. Қайси бири чўл шароитига яхши мос тушиши ва серҳосил бўлиши ўрганилди, кузатилди. Ана шулар ичидан сербарг, кўкиш бўлиб ўсадиган ҳамда кўп уруғ берадиган изень нави танлаб олинди. Бу воқеа 1976 йилда рўй берган эди. Ўша йили катта майдонларга изень уруғи сепилди. Йил сайин бу майдонлар кенгайтириб борилди. Атрофи сим тўсиқлар билан ўралди, зарур агротехник тадбирлар амалга оширилди.

—Бу жуда ҳосиятли экин экан,— дейди совхоз директори,— баҳор қуруқ келиб, ёғингарчилик бўлмаган йилларда ҳам гуркираб ўсаверади. Илдизи сув қидириб, етти-саккиз метр чуқурликкача етиб боради. Шунинг учун авжи саратон кезларида ҳам яйловга борсангиз, изензорларга кўзингиз тушса, кўмкўк бўлиб денгиздек чайқалиб турганлигидан қувонасиз.

Ҳозирги пайтда совхозда изензорлар майдони 4,5 минг гектарга етди. Изендан ҳашак олишдан ташқари ҳар йили 80 тоннадан ошириб уруғлик олинмоқда. Бу уруғлик республикамизнинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё сингари областларининг чўл зоналаридаги хўжаликларига етказиб берилмоқда. Бир килограмм уруғлигининг баҳосини сўм. Ҳисоб-китоб қилиб кўринг-а, шу уруғнинг ўзидан совхозда ҳар йили 500 минг сўмдан ошириб даромад олиш имкониятн туғилаётир.

Дастлабки пайтларда уруғлик изень қўлда ўриб олиниб, кўп меҳнат сарф қилиниб, уруғи ажратилар эди. Директор бу ишни механизациялаштириш тўғрисида бош қотирди. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти олимларига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Улар хўжалик мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб, ғалла комбайнларини изенни ўриб олиш ва унинг уруғини янчишга мослаштирдилар. Шундай қилиб, Иттифоқда биринчи бўлиб шу совхозда изень уруғи комбайнлар билан йиғиштириб олинна бошланди. Меҳнат унумдорлиги кескин ортди. Қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинди.

Совхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, бу йил ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Баҳор анча қурғоқчил келишига қарамасдан ем-хашак базасини мустаҳкамлаш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилди. Бунда изензорлар айниқса, қўл келди. Ҳозиргача изенниг ўзидан 5200 тоннадан ортиқ хашак жамғарилди. Жами 12 минг тоннадан ортиқ хашак тайёрлаб қўйилди.

СССРнинг Озиқ-овқат продуктлари бундан чўчимаймиз. Чунки қўйларни қишга семиз ва соғлом олиб келдик. Қўзилар барвақт ремонтдан чиқариб қўйилди. Ҳар бир отар олдига қишлов учун етарли миқдорда ем-хашак келтириб қўйганмиз. Қишловни беталофат, бечиқим ўтказамиз. Бунга ишончимиз комил, тажрибамиз етарли. Энг муҳими ем-хашак запаси иккиуч ҳисса кўп.

Ана шу ҳақда ўйлар эканмиз, яйлов кўрки мол билан, деган сўз ёнига яйлов кўрки изень билан ҳам деган жумлани қўшиб қўйиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Изенларнинг янги-янги навларини ўстириш, унинг майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини оширишда эса янгилик иштиёқманди, ташаббускор, жонкуяр хўжалик раҳбари, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Аббосхўжа Бакировнинг ҳизмати ғоят катгадир.

Шунинг учун ҳам А. Е. Бакиров бир группа олимлар билан биргаликда фан ва техника соҳасидаги Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Н. РИХСИЕВ.

КПСС ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

«КПСС Марказий Комитетн съездлари, конференция ҳамда Пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» тўпламн тўққизинчи нашрининг КПСС Марказий Комитетн ҳузуридаги марксизм-ленининзм институти тайёрлаган биринчи томи босмадан чиқди.

Биринчи том партиянинг октябргача бўлган давр — 1898 йил мартидан 1917 йил октябригача бўлган давр тарихига тааллуқли ғоят муҳим материалларни ўз ичига олган. Томда Ленининг мазкур тўплам саккизинчи нашрига киритилмаган ўттиздан кўпроқ ҳужжатлари эълон қилинмоқда. В. И. Ленининг партия съездлари ва конференцияларидаги докладлари ҳамда нутқлари, шунингдек партиянинг турли анжуманларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ программавий, тактик масалалар ҳамда бошқа масалаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги мақолалари ва мактублари шулар жумласидандир.

Китобни Снёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

ҚАРОРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишига олдиндан пухта ҳозирлик кўрди. Мажлислар залига махсус стенд ва диаграммалар ўрнатилди. Уларда акс этган факт ва рақамларда коллективнинг КПСС XXVI съезди ҳамда партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида эришаётган ютуқлари ўз ифодасини топди. Партия комитети секретари Алижон Акбаровнинг ҳисобот докладида ҳам, музокараларда сўзга чиққан коммунистларнинг нутқларида ҳам шу ютуқларга ҳамоҳанг фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, бирлашмада ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида анчагина ишлар қилинмоқда. Беш йилликнинг ўтган икки йили ичида олий сифат категорияси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғи 36,8 процентни ташкил этди. Шу билан бир қаторда меҳнат унумдорлиги ҳам ошиб борди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида шифер, минерал момиқ, асбоцемент қувурлари ишлаб чиқариш планлари ортиғи билан адо этилди.

Лекин клинкер, цемент, акмигран плиталари белгиланганидан кам тайёрланди. Бунга аввало асосий технологик ускуна ва қурилмаларнинг носозлиги, ремонт ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ҳомашё материаллари етказиб беришда ва ёнилғи таъминотида тез-тез узилишлар рўй бераётганлиги сабаб бўлди. Йиғилишда, айниқса, бирлашмага қарашли темирйўл транспорти корхонаси раҳбарлари З. Ширинский, Г. Шулепов ва А. Забаровлар адресига ўринли танқидий фикрлар билдирилди. Уларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганликлари оқибатида кўп ҳолларда вагонлар бекор туриб қолди. Натижада 42 минг сўм ҳажмида жарима солинди.

Шунга қарамай мазкур коллективда ҳануз бепарволик кайфияти ҳукм сурмоқда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга оид тадбирлар ишлаб чиқилмаяпти. Буни саккиз ой давомида 852 марта прогул қилинганлигидан ҳам билса бўлади.

Тўғри, партия комитети ўз мажлисларида ва очиқ партия йиғилишларида ишлаб чиқаришни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир масалаларни бир неча бор муҳокама қилди. Бу муҳокамаларда гарчи йўл қўйилган камчиликларни тузатишга ёрдам берадиган ибратли қарорлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ижроси устидан етарлича назорат ўрнатилмади. Навбатдаги йиғилишларда масъул ходимларнинг ҳисоботлари тингланмади. Шу боисдан ҳам куйдириш цехи партия ташкилотининг секретари, КПСС XXVI съезди делегати В. Кочетков, асбоцемент заводи қувур цехи электриги В. Сабанин, минерал-момиқ заводи партия ташкилотининг секретари В. Полухин, халқ контроли бош группасининг раиси Б. Исмоилов, кон қазиш бўйича бош инженер ўринбосари О. Абдуллаев, партия комитети ҳузуридаги темир йўл вагонларидан фойдаланишни назорат қилувчи комиссия раиси Т. Манило ўртоқлар бу нуқсонларни куюнчаклик билан эслатиб ўтдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида жамоат ташкилотлари иши ҳам таҳлил этилди. Бошланғич касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хотин-қизлар Совети, халқ контроли группаси, ўртоқлик суди ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини янада кучайтириш зарур. Бу участкаларда коммунистлар ташаббускорлигини ва авангардлигини ошириш учун заҳирлар имконият ва резервлар мавжуд. Бирлашма касаба союз комитети составидаги 10 киши, цех касаба союз комитети раислари ва 7 киши коммунистлардир. Касаба союз комитети коммунистлар бошчилигида социалистик мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишчи-хизматчиларга унумли ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича кўп иш қилиши мумкин.

Ўтган давр мобайнида партия комитети комсомол ташкилотидаги партиявий ярони мустаҳкамлаш тадбирларини кўрди. Айни вақтда комсомол комитети составида беш нафар коммунист иш олиб боряпти. Цех комсомол ташкилоти секретарларидан олти киши партия аъзоларидир. Ҳисобот даврида КПСС аъзолигига қабул қилинган 27 кишининг барчаси ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида активлик кўрсатаётган ёшлардандир.

Бироқ партиявий раҳбарлик ҳамма жойларда ҳам изчиллик билан олиб борилди деб бўлмайди. Партком мажлисларида қуйи ташкилотлар фаолиятига тааллуқли айрим масалаларни бир томонлама муҳокама этиш билан чегараланиб қолинди. Жамоат ташкилотларига кундалик амалий ёрдам тўлақонли намоён бўлмади. Жумладан, олти ойча муқаддам бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида халқ контроли бош группаси раислигига коммунист Б. Исмоилов сайланган эди. Афсуски, назоратчилар фаолиятида ўзгариш сезилмади. Партия комитети эса ҳамон бу масалага жиддий ёндошиб, талабчанликни кучайтирмаётир.

Йиғилиш иштирокчилари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, идеологик, оммавий-сиёсий ишлар савиясини ошириш ҳамда ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишларга танқидий нуқтаи назардан баҳо бердилар. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Т. ЖУМАНОВ,
Оҳангарон шаҳри.



*

Валентина Дмитриевна Павлова Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг 11-цехида бир неча йилдан бери ишлайди. Ўз касбини пухта эгаллаган бу ишчи коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди. У ҳар сменада нормани 150 процентга етказиб бажармоқда ва фақат аъло сифатли маҳсулот бермоқда.

В. Портнов фотоси.

*

ЕМҒИР ХАЛАҚИТ БЕРМАЙДИ

«Ташзаготхлопкопром» бирлашмасида бешта янги қуритиш-тозалаш цехи ишга туширилди. Бу цехлар Янги Ўзбекистон, Далварзин, Пискент, Қорасув ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта тозалаш заводларининг тайёрлов пунктларида қурилди. Қўшимча қувватлар ишга туширилганлиги ёғингарчилик пайтида қун бўйи терилган пахтани қуритиш имконини беради. Пахта тайёрловчилар ёғин-сочинли кунларга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйдилар. Бирлашмадаги барча қуритиш-тозалаш цехларини янги мавсумга тайёрлаш ишлари «яхши» ва «аъло» баҳолар билан тугалланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗИГА ХОС КЎРИК

Раҳим Жалолов Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг энг илғор бригада бошлиқларидан бири ҳисобланади. У пахтачиликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ва эришаётган муваффақиятлари учун Ленин ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланган. Раҳим ака бошлиқ коллектив йил сайин пахта ҳосилдорлигини оширишда, «оқ олтин»дан мўл хирмон уйинда бошқаларга намуна бўлиб келаяпти.

Бригадада меҳнат қилаётган пахтакорларнинг барчаси касаба союз аъзосидир. Улар мўл ҳосил етиштириш учун бошланган мусобақада актив иштирок этдилар. Ҳозирги кунда эса йигим-теримни намунали ўтказиш юзасидан бошланган мусобақада ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Коллектив ўтган йили ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олган эди. Бу йилги марра 46 центнердир. Айниқса пайтда касаба союз аъзолари Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар дала шийпонида ёрдамчи хўжалик ташкил этганлар. Бу йил уч тонна гўшт етиштиришга қарор қилганлар.

Бригадада яқинда ажойиб бир тантана бўлди. Тушки танаффус чоғида теримчилар дала шийпонига тўпланишди. Бу ерда касаба союз аъзоларига янги касаба союз билетларини топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан бригада бошлиғи Р. Жалолов ва бошқа ўртоқлар

КАСАБА СОЮЗ БИЛЕТЛАРИ АЛМАШТИРИЛМОҚДА

беш йилликнинг учинчи йилида гектар бошига 46 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олишга сўз бердилар. Касаба союз билетларини топширишга бағишланган йиғилиш барча теримчиларга жанговар руҳ бағишлади.

Шундай йиғилишлар областимиздаги бошқа хўжаликлар, саноат корхоналарида ҳам бўлиб ўтяпти. «Электрохимпром» бирлашмасининг буғ таъминоти цехи ишчилари тушки танаффус пайтида қизил бурчакка тўпланишди. Бу ерда ҳам янги касаба союз билетларини топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан бригада касаба союз комитети раиси А. Маҳмудов ва бошқа ўртоқлар касаба союз билетларини алмаштириш кампанияси касаба союз ишларининг ўзига хос кўриги эканлигини таъкидладилар. Ўша куни биринчи бўлиб ремонтчи слесарь, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани В. Г. Бажинга янги билет топширилди.

Цехнинг Т. Ниёзтоев бошлиқ илғор бригадаси слесарларига ҳам янги касаба союз билетлари топширилди. В. А. Литягин, Ш. Холиқов ва бошқа ишчилар касаба союз билетларини қабул қилаётиб, бундан буён ҳам юксак унум билан меҳнат қилишга, интизомни мустаҳкамлашга, иш сифати ва самарадорлигини оширишга сўз бердилар.

Касаба союз билетларини топширишга бағишланган йиғилишларда республика касаба союзлари Совети раиси Н. М. Маҳмудова, область касаба союзлари Совети раиси А. В. Бранилов ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган Тўйтепа тикувчилик фабрикаси коллективи ўз сўзининг устидан чиқмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги, анча унумли машина-механизмларни жорий қилиш, илғор иш усулларини қўллаш коллектив ютуқларининг омиллари бўлаяпти. Ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаётган чеварлар мавжуд резервлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш туфайли шу йилнинг ўтган тўққиз ойини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Давлат плани асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан адо этилди. Пландагидан ташқари ўнларга минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи ҳам бажарилди.

Корхона коллективи тикувчилик буюмлари сифатини яхшилашга ҳам тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Шу мақсадда қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Ишнинг сифат кўрсаткичларига нисбатан масъулият кучайтирилди. Шунинг учун ҳам тикувчилар баракали ишлаш қатори маҳсулот сифатининг яхшиланишига эришмоқдалар. Бу йил давлат Сифат белгиси билан икки хил маҳсулотни тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозиргача бундай буюмлардан 63 минг сўмлиги савдо шохобчаларига етказиб берилди. Коллектив тежамкорликда ҳам дуруст натижаларга эришмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида минглаб киловатт-соат электр энергияси, 1,2 минг сўмлик хомашё тежаб қолинди.

Коллектив қўлга киритаётган бундай ютуқларда бригада пудратини қўлланаётган бригадалар, ишлаб чиқариш илғорларининг ҳиссаси катгадир. Айниқса, 1-тикув цехи коллективи унумли ишламоқда. У цехлараро социалистик мусобақада муттасил мукофотли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда фабрикада тўрт бригада пудрат усулини қўлланмоқда. Бу уларнинг иш кўрсаткичларини анча яхшилашга олиб келди. Айниқса, Хайри Азимова, Ҳиқоят Муҳиддиновалар бошлиқ бригадалар коллективлари ҳар соҳада бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу меҳнат ячейкаларида прогрессив усулни қўлланиш туфайли ишчи кучи кўпаймагани ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11 процент, меҳнат унумдорлиги эса 18 процент ошди. Айни вақтда ишчиларнинг оладиган маоши олти процент кўпайди.

Фабрика цехларида ўнлаб тикувчилар бир беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш учун ўзаро мусобақалашмоқдалар. Бундай ташаббус издошлари сафида Зулфия Нажимова, Фотима Султонова, Оксана Ким, Раҳима Телғозиева каби моҳир чеварлар бор. Улар ҳар сменада топшириқни икки баравар ва ундан ҳам ошириб бажаришга эришмоқдалар. Пешқадамларнинг меҳнат календарида ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги ойлари ёки ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили бошланди.

Тўйтепалик тикувчилар шу кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар бир маромда ишлаб, кунлик топшириқларни ортиғи билан уддаламоқдалар. Барча чеварлар йиллиқ ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун бораётган курашда фаол қатнашмоқдалар. Бу келгуси меҳнат мувaффақиятлари учун гаровдир.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

ГАЗЛАМА КЎПАЯДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида олиб борилаётган кенг миқёсдаги реконструкция ишлари ниҳоясига етмоқда. Фабрикада янги охорлаш машиналари ўрнатилаяпти. Улар замонавий, жуда мукаммал бўлиб, ишга туширилгач маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ортади.

Бу ишларни Э Галиулин раҳбарлигидаги автослесарлар бригадаси бажармоқда. Илғор коллектив аъзолари кунлик нормаларини 120—125 процентга етказиб адо этяптилар. Ишчилардан Б. Ҳайитмуродов, И. Иброҳимов, В. Бояренколар самарали меҳнатлари билан барчага намуна бўлмоқдалар. Фабрика реконструкциядан сўнг тўла қувват билан ишга тушгач корхонада газлама тайёрлаш йилига 40 миллион метрга кўпаяди.

Ҳ. АСҚАРОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● **УЛАН-БАТОР**

Болгария, Венгрия, Монголия, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия ишчилари, техниклари ҳамда инженерларининг биргаликдаги фидокорона меҳнати билан бунёдга келган интернационал дўстлик шаҳри — Дарханга 22 йил тўлди. Бу шаҳар ана шу вақт мобайнида ғоят катта қурилиш майдонига айланиб Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Монголия диёридаги ҳамкорлиги реал самарасининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди. Шу беш йиллик даврининг ўзидагина бу ерда БХР, ВХР ва СССРнинг кучлари билан қурилиш-монтаж ишларининг 70 проценти амалга оширилмоқда. Чунончи беш йиллик охиригача Совет Иттифоқининг ёрдами билан 24 минг квадрат метр уй-жой, қудратли цемент-оҳак комплекси, тегирмон комбинати барпо этилади. Болгария замонавий консерва заводини қуриб битказади. Бу завод ҳар йили уч минг тоннага қадар турли сабзавот ва мевани қайта ишлай олади.

● **ҲАНОЙ**

Вьетнам жанубидаги энг катта шаҳар — Хошимин майда ва кустар саноатининг ходимлари мувaффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Улар шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида 1,75 миллиард донглик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса ўтган йилнинг шу давридаги даражадан тўрт процентдан зиёд ортиқдир. Ана шу корхоналар маҳсулотларининг кўпгина турлари экспорт қилинмоқда.

● **АДДИС-АБЕБА**

Эфиопия билан Конго ўртасида бевосита самолётлар қатнови тўғрисида битим имзоланди. Эфиопиянинг «Эфиопиэн эйрлайнз» авиатранспорт компанияси самолётлари иккала давлат пойтахтлари ўртасидаги рейсларни бажаради. Браззавиль шу компаниянинг лайнерлари қўнаётган дунёдаги ўттизинчи пойтахт бўлиб, «Эфиопиэн эйрлайнз» компаниясининг барча хизмат бўлимлари миллий кадрлар билан таъминланган. Компания ҳузурида 16 йилдан буён граждан авиацияси мактаби ишлаб турибди. Бу мактаб Эфиопиядангина эмас, шу билан бирга Африкадаги бошқа бир қанча мамлакатлардан ҳам мингга яқин учувчи ва техникларни тайёрлаб берди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК!

Халқаро жамоатчилик КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов Баёнотини СССРнинг тинчликка бўлган букилмас иродасини, у милитаризм кучларини тўхтатиб қолишга, ядро уруши эҳтимолининг ўзига йўл қўймасликка интилаётганлигини кўрсатувчи яққол далил деб баҳоламоқда. Социалистик мамлакатларнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишга қаратилган йўли Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг ахборотида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг баёнотларида салмоқли равишда тасдиқланди. Халқларнинг хоҳиш-иродасига хилоф суръатда ядровий қуролланиш пойгасини янада кучайтириш ва сиёсий муҳолифликни кескинлаштириш йўлидан бораётган барча кимсаларни социалистик мамлакатлар якдиллик билан огоҳлантирганликлари қайд этиб ўтилади.

Чехословакия жамоатчилиги Ю. В. Андроповнинг Баёнотини тўла-тўкис ва батамом қўллаб-қувватлайди. Бу Баёнотда Европа ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг реал йўллари кўрсатиб берилган, деб таъкидлади ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси **И. Корчак.**

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, империализм авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини жиловлаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш — Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи сиёсатининг ўзагидир. АҚШ ҳарбий стратегик мувозанатни ўз фойдасига ўзгартиришга уринаётганлиги, Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарининг жойлаштириш режалари — социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларга қилинаётган таҳдиддир. Аммо шундай режаларни тузаётган кимсалар шунга ҳеч шубҳа қилмасинларки, социализм мамлакатлари милитаристларга муносиб жавоб қайтарадилар!

Кампучия халқи Ю. В. Андроповнинг Баёнотини актив қўллаб-қувватлаб бу ҳужжатни СССРнинг тинчликсеварлигини, унинг ташқи сиёсати инсонпарварлик мақсадларини кўзлаётганлигини тасдиқловчи ниҳоятда муҳим ҳужжат, салмоқли далил деб билмоқда,— деди КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР миллатлар мажлисининг раиси **Чеа Сим.** СССР халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган конкрет таклифларни олға сурмоқда. Жаҳон халқлари ялпи тинчлик учун жиддий хавф солаётган АҚШнинг милитаристик йўлини қатъиян қоралмоқдалар.

Ю. В. Андроповнинг Баёноти — ниҳоят даражада муҳим ва айни муддао бўлган ҳужжатдир, деди Швециянинг таниқли ёзувчиси **А. Рундберг.** Баёнотда планетада кескинлик кучайганлигининг ҳақиқий айбдори ким эканлиги, тинчликка қай томондан хавф солинаётганлиги равшан кўрсатиб берилган. Совет Иттифоқининг кенг кўламдаги ижобий ташаббуслари комплекси унинг тинчликсеварлигидан яққол далолат беради. Ғарб ана шу ташаббусларга қўшилганида эди, дунё ҳозиргинг ўзидаёқ анча осойишта бўлур эди.

Ю. В. Андроповнинг таклифлари Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилишининг олдини олишга қаратилган бўлиб Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлашга интилаётганлигидан яққол далолат беради, деб таъкидлади Финляндия студентлари социалистик иттифоқи. АҚШнинг сиёсати халқаро кескинликни кучайтиришга олиб бормоқда. Рейган маъмуриятининг янги «МХ» ракета системасини жойлаштиришга киришиш ва қуролланиш пойгасини космосга ёйиш тўғрисидаги қарорлари бутун инсониятга хавф солмоқда. Ҳозир Ғарбий Европада Американинг янги ракеталарини жойлаштиришга қарши курашга бутун куч-ғайратни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қаратиш зарур.

(ТАСС).





Ҳозирги пайтда Гондурасда 3 минга яқин Америка солдат ва офицерлари бор, деб хабар беради Си-Би-Эс телекомпанияси. Улар Гондурас билан биргаликда ўтказиладиган машқларда иштирок этишлари керак эди. Бироқ Си-Би-Эс Америка вертолётларини машқлар ўтказадиган жойдан 200 миль узоқликда суратга олишга муваффақ бўлди. Телекомпаниянинг таъкидлашича, улар Гондурас армияси олиб бораётган жанговар ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқдалар. Суратда: гондурослик солдатлар америкаликлар ёрдамида ана шундай жойларда иснёничларни қидирмоқдалар.

АП—ТАСС телефотоси.

БИРДАМЛИК КОМИТЕТИНИНГ ДАЪВАТИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бу ерда иш кўраётган Сальвадор халқи билан бирдамлик комитети америкаликларга мурожаат этиб, Рейган маъмуриятининг Марказий Америкадаги интервенциячилик сиёсатига қатъий зарба беришга, шу регионда Вьетнам авантюрасининг такрорланишига йўл қўймасликка даъват қилди.

Рейган маъмуриятининг харакатлари, дейилади шу ташкилотнинг баёнотида, АҚШ региондаги можарога тобора чуқурроқ кириб бораётганлигидан далолат беради. Марказий Разведка Бошқармасининг Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруши кенгайтирилмоқда. АҚШнинг ҳарбий-денгиз кучлари шу мамлакатнинг амал қилиш тактикасини пишиқтирмоқдалар. Пентагон шу мамлакатда АҚШнинг иккита янги авиация базасини қуришга Гватемала ҳукуматининг розилигини олди. Мана шу барча игвогарлик хуружлари, деб таъкидланади ҳужжатда, регион халқлари тинчлиги ва хавфсизлиги учун жиддий таҳдид қилмоқда.

АҚШ аҳолисининг 80 процентдан кўпроғи, деб уқтиришади баёнот авторлари, Марказий Америкада Америкининг ҳарбий аралашуви кучайтирилаётганлигига қарши чиқмоқда. Сальвадор халқи билан бирдамлик комитети Америка жамоатчилигининг кенг доираларини «Марказий Америкада Вьетнамдагидек уруш бўлишига йўл қўймаймиз» шиори остида 12 ноябрь куни Вашингтонда ўтказилиши мўлжалланаётган оммавий намойишда жуда актив иштирок этишга даъват қилди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Қўшма Штатлар жуда олисга учириладиган ва ердаги базаларда жойлаштириладиган «Першинг-2» баллистик ракеталарни ва қанотли ракеталарни НАТОга аъзо бўлган Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда жойлаштиришга тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказаётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ўзининг ҳам, шунингдек Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларининг ҳам хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча тадбирларни кўришга мажбурдир.

Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматларининг аҳдлашувларига мувофиқ ГДР билан ЧССР территорияларида оператив тактик аҳамиятдаги ракета комплексларини жойлаштириш учун тайёргарлик ишлари бошланмоқда.

Бу тадбирлар Америка ракеталари Европада жойлаштирилган тақдирда кўрилиши белгиланган жавоб чораларидан бири ҳисобланади. Бу тадбирлар Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасида Европада ядровий воситалар мувозанатини сақлаб қолишга қаратилгандир.

Камбоджа Халқ Республикасининг Кампонгчам провинциясидаги тўқимачилик фабрикаси мамлакатда энг йириклардан бири ҳисобланади. Бу ерда 600 киши меҳнат қилади. Фабрикада Пол Пот солдатлари томонидан ишдан чиқарилган дастгоҳлар қайтадан тикланди. Бу ерда мамлакат учун жуда зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган йили корхона коллективи 1 миллион метрдан кўпроқ газмол ишлаб чиқарди. Фабрика Совет Иттифоқидан келтирилаётган хомашёдан маҳсулот тайёрлайди. Суратда: тўқимачилик фабрикасининг цехларидан бирида.

В. Христофоров фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ТЕРИМ ҚОНУНИ: ИНТИЗОМ, УЮШҚОҚЛИК, ЮКСАК УНУМДОРЛИК

ОҚҚЎРҒОН району колхоз ва совхозлари ҳозир кунига давлат қабул пунктларига 750 тонна атрофида пахта топширмоқдалар. Бу миқдордаги ҳосилни далалардан йиғиштириб олиш учун қандай катта куч талаб этилаётганлигини тасаввур қилиш учун иккита рақамни келтирмоқчимиз: шу кеча-кундузда район хўжаликларида 100 тадан кўпроқ терим агрегати ва қарийб 37 минг теримчи ишлаяпти.

Терим мавсуми пахтакор учун ҳамиша энг масъулиятли синов бўлган. Айниқса, бу йилги ҳосил теримни «оқ олтин»имиз тақдири учун ҳар бир кишидан ғоят юксак масъулиятни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республика барча меҳнаткашларига Мурожаатида «Интизом, тартиб, уюшқоқлик, юксак унумдорлик бутун пахта конвейеримизда ўзгармас қонда бўлиб қолиши керак!» дейилади.

Оққўрғон район партия ташкилоти, Совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда сафарбарликни кучайтирмоқдалар. ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириб бормоқдалар. Ҳозир районда пахта йиғим-теримини ташкил этиш, уни идеологик жиҳатдан таъминлаш ва бошқа соҳалар бўйича 11 та штаб ишлаб турибди. Уларнинг бутун фаолияти, район меҳнаткашлари, ҳашарчиларнинг куч-ғайратлари бир мақсадга — ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида Ватанга 70 минг тонна Оққўрғон «оқ олтин»ини армуғон этишга қаратилган.

МАШИНАГА ТАЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

«Ленинизм» колхозининг раиси Ўлмас Музаффаров ҳозиргина кўсак чувиш агрегатлари ишлаётган шийпондан қайтди. Усти-боши чанг, костюмига пахта толалари илашган. Ўйқусиз тунлардан кўзлари қизарган.

Хўжалик пахта тайёрлашда район колхоз ва совхозлари ўртасида карвонбошилик қилмоқда. Куни кеча план тўлиб, мажбурият ҳисобига пахта топширила бошланди. Аммо раис ҳам, мутахассислар ҳам, бригада бошлиқлари ва механизаторлар ҳам тиним билмайдилар. Ҳали чаноқларда ҳосилнинг бир қисми турибди. Юксак мажбурият — ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш, давлатга 5600 тонна пахта топширилишини таъминлаш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

— Бу йилги шароитда ҳам колхоз пешқадамликни қўлдан бермай келаётганлиги, умуман ҳосил теримини ташкил қилиш тажрибаларингиз ҳақида гапириб берсангиз,— илтимос қиламиз раисдан.

Ўлмас аканинг ҳорғин чеҳрасида табассум пайдо бўлади.

— Қозонда бўлса чўмичга, далада бўлса хирмонга чиқади,— дейди у.—Планни биринчилар қатори бажарганлигимиз асосан баҳор ва ёзда қилган меҳнатимиз самараси. Чеканкани барвақт ўтказдик. Унинг биринчи турини 25 июлдаёқ тугаллагандик. Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши турлича эканлигини ҳисобга олиб дефолиацияни ҳам табақалаштириб ўтказдик.

Биз машинага таяниб иш кўрамиз. Бу йил ҳам хирмонга уйган 3870 тонна пахтанинг 3 минг тоннадан кўпроғи терим агрегатларида йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 80 процентини биринчи сортга топширганлигимиз механик-ҳайдовчиларимиз маҳоратини кўрсатиб турибди. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда фақат шу туфайли ўтган йилдагидан 200 минг сўмдан кўпроқ соф фойда оламиз.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам 27 та пахта териш машинасини 2 та терим-транспорт отрядига бирлаштирдик. Бу техникадан самарали фойдаланиш, уларни пахта яхши очилган майдонларга жамлаш имконини берди. Теримда барча механик-ҳайдовчиларимиз фидокорлик кўрсатдилар. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Исоқ Чимирбоев, Қурбон Илашев, Ўнғар Ботиров, Абдували Ўрозбоевлар ғайрат-шижоатини таъкидламоқчиман.

Улар машиналари билан 100—120 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

Раис билан пахта далалари томон йўл оламиз. Рекорд ҳосил етиштириш ташаббускорларидан бири Гулой Тулепбекова бошлиқ бригада пахта далаларида 4 «зангори кема» ишлаяпти. Йўл-йўлакай Ўлмас ака бизга ҳозирги шароитни ҳисобга олиб, далаларда ишлаётган 18 та терим агрегати тўрт группага бўлинганлигини айтган эди. Ҳозир учинчи машина теримни кетаётган бўлса-да, механик-ҳайдовчилар кунига 1 тоннага етказиб пахта термоқдалар. Колхоз правлениеси машинада терилган 1 тонна пахта учун механик-ҳайдовчиларга 30 сўм иш ҳақи тўлашга қарор қилган.

— Машинага ишонган пахтакор ютқазмайди,— дейди бригада бошлиғи Г. Тулепбекова.— Машина теримини ўрталарида ҳам биз пахта тайёрлашда хўжаликда сўнгги ўринларни эгаллаб турган эдик. Ҳозир эса биринчи ликда Хадича Алиева, Гулчеҳра Эшонқулова, Ҳалия Қосимова, Назира Каримова Хуриноз Исмоилова сингари чеварлар кунига ўртача 90—95 килограммдан пахта теришга эришдилар. Қўл терими пухта ташкил этилганлиги туфайли колхоз беш кунлик якунларига кўра район кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ҳозир ҳам далаларда 370—380 нафар теримчи ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Уларнинг ва шу кунларда колхозчиларга ёрдамга келган ҳашарчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли қабул пунктларига 70 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» жўнатилмоқда. Бу йиллик планнинг 2 процентидан кўпроғини ташкил этади.

Колхоз правлениеси теримнинг ҳал қилувчи босқичида теримчилар моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиққан. Хўжаликда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 10 тийин тўланади. Агар колхозчи белгиланган 50 килограммлик нормани ошириб бажарса, нормадан ортиқча терилган ҳар килограмм пахта учун эса 20 тийиндан ҳақ олади.

«ОЙМОМА» ТОНГНИ ҚАРШИЛАЙДИ

Чилонзор районидаги 232-мактабдан ҳашарга чиққан жисмоний тарбия ўқитувчиси Виталий Терешченковнинг пахта теришда кунига энг юқори натижага эришаётганлиги бошқа педагоглар, боғча тарбиячиларини ҳам қизиқтириб қолди. Виталий ҳамкасбларининг бунга қизиқишлари ортаётганлиги учун шундай деди:

— Мен билан баравар пахта термоқчи бўлганларни эрталаб 6 да пахтазорда кутаман.

— Бу пайтда ҳали тонг ҳам ёришмаган бўлади-ку,— ҳайрон бўлишди маорифчилар.

— Тонгни далада қаршилаймиз-да.

Бироқ барча район хўжаликларида ҳам колхозчилар, совхоз ишчиларини теримга тўла жалб этиш учун қатъий кураш олиб борилмаяпти. Район партия комитетида белгиланган тадбирларга кўра ҳозирги пайтда 11 минг колхозчи ва совхоз ишчиси теримга жалб этилиши керак. Биз районда бўлган кун эса теримда 5590 киши иштирок этган экан. Уларнинг кунлик иш унуми ўртача 36 килограммданга тўғри келган. Агар топшириқда белгиланган колхозчилар ва совхоз ишчилари тўла теримга сафарбар этилганда қўшимча равишда 165 тоннадан кўпроқ пахта тайёрлаш имкони бўлишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Айниқса, «Ленинобод», «Партия XXII съезди», «Озод» колхозларида хўжалик аъзоларини теримга жалб этиш қониқарли эмас. Жумладан, «Озод» колхозида теримда атиги 157 киши ёки топшириқда белгиланганидан уч баравар кам колхозчи иштирок этяпти. Бу хўжалик, шунингдек, «Партия XXII съезди», Охунбобоев номли колхозларда кунлик ўсиш 1,5 процентга етмаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир.

ЖУРНАЛИСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Эртаси куни соат 6 бўлар-бўлмас Виталий билан бригаликда пахтазорга 5—6 педагог ҳам етиб келишди. Улар шу заҳотиёқ теримга тушиб кетдилар. Кечқурун кунлик иш натижаларини эшитганларида эса ўзлари ҳам ҳайрон қолдилар. Бу кун улар кечагидан салкам икки баравар кўп пахта териб қўйишибди.

Яна бир кун ўтгач эса тонгни далада қаршилаш истагини билдирганлар 20 кишига етди. Чилонзор район халқ маорифи бўлими пахта штаби бу ташаббускорлардан алоҳида бригада тузишни таклиф қилди. Унга В. Терешченков раҳбар қилиб тайинланди.

Мана шундан бери унумдорликда бу бригадага тенглашадиганлар топилмаяпти. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига кунига ўртача 50—52 килограммдан пахта терилмоқда. Айниқса, бригада бошлиғининг ўзи ҳаммага намуна бўлмоқда. Ҳар куни у 60—65 килограммдан пахта теряпти. Тарбиячилар Тўлаганова, Илҳомова, Азизова, педагоглар Аҳмедов. Курцевалар ҳам етакчиларга тенглашишга ҳаракат қилмоқдалар.

Район халқ маорифи бўлимидан келган ҳашарчилар уларни ҳазиллашиб «Оймома» бригадаси деб аташяпти. Чиндан ҳам улар ҳали кўкда ой сузиб юрган пайтда теримга чиқиб, юқори унумдорликка эришаётирлар.

Умуман Оққўрғон хўжаликларида Чилонзор районидан келган 2400 га яқин ҳашарчи пахта теримида иштирок этмоқда. Шунингдек, колхоз ва совхозларда пойтахтнинг Фрунзе ва Акмал Икромов ҳамда Тошкент, Бўстонлик районлари ҳашарчилари пахтакорларга мадад беришяпти. Оққўрғонликлар Акмал Икромов районидаги «Хизмат-беминнат» фирмаси, заргарлик заводи, Фрунзе районидаги кўпгина корхона ва ташкилотлар ҳашарчиларидан мамнун бўлаётирлар. Бу коллективларда кунига ҳар теримчи ҳисобига ўртача 35—45 килограммдан пахта териляпти.



●Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози пахтакорлари Бўстонлик районидан ёрдамга келган Улуғбек номли 11-ўрта мактаб ўқувчиларидан миннатдор бўлмоқдалар. Улар етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда катта амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Юқори синф ўқувчиларидан Муҳайё Маъдиева (юқорида) ва Фарруҳ Топилов (пастда) кунлик теримда илғорлик қилишяпти.

И. Портнов фотолари.



17 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллайдиган район пахта далаларида йиғим-теримнинг қал қилувчи босқичи давом этяпти. Районда далаларда ишлаётганларга барча қулайликларни яратиб бериш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Учта агитклуб, шу жумладан район маданият бўлимининг «Наврўзи ажам» ансамбли, учта кўчма амбулатория, 11 та кўчма кинокурилма, 100 дан ортиқ кўчма кутубхона, район маиший хизмат комбинатининг учта кўчма комплекс қабул қилиш пункти, 5 та автолавка пахтакор ва ҳашарчилар хизматида. Медицина, савдо, маданият, маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг беминнат хизмати йиғим-терим иштирокчиларининг қимматли вақтларини тежаш имконини беряпти.

Район хўжаликларини айланиб, оқшомда йўлга отланар эканмиз қабул пунктлари томон бораётган пахта ортилган транспорт тракторларга дуч келдик. Яна юзлаб тонна «оқ олтин» Ватан хирмонларидан жой олади. Эрта тонгдан эса яна минглаб пахтакор ва ҳашарчилар далаларга отланишади. Улар шу кунларда пахта термни қонунлари асосида меҳнат қилмоқдалар, интизом ва юксак уюшқоқлик кўрсатмоқдалар.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ҚОЛХОЗДА ЯШАЙСАНМИ —ТЕРИМЧИСАН!

Далаларда тўкилган пахтани тераётганлар орасида нуроний отахон ва онахонлар диққатимизни ўзига тортди.

— Улар колхозимиз ветеранлари, пенсионерлар,—изоҳ бера бошлади ҳамроҳимиз, Навоий номли колхоз партия комитетининг секретари Абдурасул Саидаҳмедов.— Янгийўллик тенгдошларининг даъватига жавобан теримга чиқдилар.

Пенсионерлардан Эркабой ака Туробов, Хурсанд Юсупова, Илаш ака Бозорқулов, Барно Тоирова, Ғанима Сулаймонова, Бозорбой ака Усмонов ва бошқалар колхозчилар билан бир сафда туриб, уларга баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар.

Хўжаликда уруғлик пахта етиштирилади. Шунинг учун теримга чиққан ҳар бир киши колхозга катта мадад. Йиғим-терим арафасида колхоз правлениеси аъзолари, қишлоқ Совети ижроия комитети ходимлари хўжаликдаги ҳар бир хонадонни айланиб чиқдилар, аҳолига бу йилги мавсумнинг масъулиятини тушунтирдилар. Шу тариқа юзга яқин уй бекаси, уруш ва меҳнат ветеранлари теримчилар сафига қўшилдилар.

Ҳали ҳам уруғлик пахта тайёрланаётганлиги туфайли ҳосилни йиғиштириб олишнинг асосий масъулияти теримчилар зиммасига тушяпти. Уларнинг кўпчилиги пахтазорда чинакамига фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Ўтган беш кун-



БОБОДЕҲҚОН

Суҳбатдошим юз ёшга
қадам қўйган чол бугун.
Обу-ҳаво,
Даладан бошланмоқда
гапимиз.
Учрашдик — бир
навқирон,
Бири қадди дол бугун,
Бир ирмоқдан сув ичган
ўйнимиз ва таъбимиз.
Қишлоқда донг чиқарган
чол пахтанинг бобида,
Не илож, усталиги
кетмаган қулоч ёзиб.
Ғайрати сингиб кетган
саратон офтобига,
Ундан илм ўрганган
Назарали Нишзов.
Чол шу билан фахрда,
Суянчиғи қўш болиш,
Ажинларда акс этмиш юз
йилнинг қор, ёмғири.
Кўнгли тўқ,
Қалби бутун,
Ундан йироқдир нолиш,
Шу замин қуёшида қулоч
ёзган томири...
Бошу-қош аза, тўйда: чол
учун катта қадр,
Ёқиб берар қишлоқда
ёшларнинг чироғини.
Камсуқум, лек ҳар сўзи
ҳаммага бирдай татир,
Териб берар колхознинг
биринчи чаноғини.
Чол ёшига кирмоқлик —
ҳаммага катта орзу,
Ким қизиқмас билмоққа
Яшамоқнинг сирини?
Юзга кирсам...
Йилларни ўйлаб кетаман
бир зум,
Чол қулдириб ундайди
овқатга кампирни...
Юзларини эгаллаб кетар
кулгу, табассум,
Гулларга ошиқ бўлган
Баҳорги офтоб мисол.
Қарашидан ажабо тоғ
музи йиғлар юм-юм.
Юз ёшлик танасида —
Чарчоқ кўринмас мисқол.
Бу деган гап беқайғу,
Беташвиш эмас асло.
Ҳосил чўғин кўрмаса
кўнгли жойига тушмас.
Қишлоқда бир хонадон
нотинч бўларкан, ҳатто
Шу кун таъби хирадир,
Кўнгли ҳам унинг хушмас.
Хурсандлиги — ҳамиша
соғ бўлса қишлоқ аҳли,
Удум мустаҳкам бўлса,
Албатта, ҳурмат, эъзоз...
Бу фақат чолга эмас,
очилар қишлоқ баҳри,
Ўн икки ой дегани
Ахир эмас донм ёз.
Етишмоқлик,
Етмоқлик, ҳавас,
орзу-ишончда,
Икки гапнинг бирида чол
шуни қилар такрор.
Эртани соғинмоқлик ўзи
ахир қувонч-да.
Таъби қиш бўлганда ҳам,
Кўнглида бўлсин баҳор...
Суҳбатдошим юз ёшга
қадам қўйган чол бугун,
Обу-ҳаво,
Пахтадан бошланмоқда
гапимиз.
Учрашдик — бир
навқирон,
Бири қадди дол бугун
Бир ирмоқдан сув ичган
Ўйнимиз ва таъбимиз.
Пахтадай кўнгли юмшоқ,
Бағри кенг бободеҳқон.
Босиб ўтган йўлларин
варақларини титар,
Суянчиғи қўш болиш,
Ишончи — қўш паҳлавон,
Ғайрати — Қуёш бўлиб
далаларга кўз тикар.


Сафар БАРНОЕВ.

● Бекобод району педагогика билим юрти талабалари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан «Ленинград» совхози пахтазорларида юксак суръат билан меҳнат қилмоқдалар. Ўқувчилардан тузилган бригадалар социалистик мусобақаси қизғин давом этяпти. Суратларда: (ўртада юқоридан) пропагандист М. Эгамов теримчиларни кундалик янгилик билан таништирмоқда; пахта штаби бошлиғи Қ. Бўрибоев мусобақада ғолиб чиққан А. Мустаев бошлиқ бригадага кўчма Қизил байроқ топширмоқда; бригаданинг мусобақа ғолиби бўлишига чаққон теримчилардан Н. Отабоева (чапда) билан Қ. Умаровалар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

М. Қорабеков фотолари.

● Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига жавобан юзлаб меҳнат ва уруш ветеранлари, пенсионер ва уй бекаларн пахтакорларга баҳоликдурат кўмаклашмоқдалар. Бундай ҳиммати баланд кексаларни Бекобод районидаги «Далварзин» совхози пахтазорларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Е. Ботиров фотоси.



ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

Колхозлар:

«Коммунизм»	**124,98**	**134,62**	**Бўка**
«Октябрь 40 йиллиги»	**120,29**	**128,48**	**Бўка**
Фрунзе номли	**119,61**	**125,79**	**Бўка**
«Партия XIX съезди»	**112,58**	**110,10**	**Бўка**
«Политотдел»	**109,37**	**118,71**	**Коммунистик**
«Ленинизм»	**108,14**	**108,58**	**Бўка**
«Ленинизм»	**101,39**	**111,75**	**Оққўрғон**
Охунбобоев номли	**100,66**	**112,82**	**Ўрта Чирчиқ**
Тимирязев номли	**100,31**	**105,80**	**Бўка**
«Победа»	**100,15**	**94,04**	**Ғалаба**
Ленин номли	98,95	79,48	Бекобод
«Ленинобод»	96,56	87,53	Бўка
«Ленинский путь»	95,45	103,22	Коммунистик
Ильич номли	93,48	93,22	Бўка
Жамбул номли	92,52	91,63	Бўка
К. Маркс номли	91,55	65,68	Чиноз
«Ленинград»	91,45	72,03	Ғалаба
«Правда»	90,85	97,27	Коммунистик
Ҳамза номли	90,06	90,62	Бўка
Энгельс номли	90,03	75,41	Ғалаба
«Партия XX съезди»	89,79	71,61	Бўка
«Ленин йўли»	89,54	95,59	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номли	88,60	84,22	Бўка
Куйбишев номли	88,05	92,84	Ўрта Чирчиқ
А. Икромов номли	87,99	79,44	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	87,88	57,07	Пискент
«Ленин йўли»	87,87	79,71	Бўка
Свердлов номли	86,56	66,74	Пискент
«Партия XXII съезди»	86,40	62,98	Ўрта Чирчиқ
Навоий номли	85,05	104,67	Оққўрғон
«Коммунизм»	84,95	46,29	Оққўрғон
«Коммунизм»	84,90	43,85	Янгийўл
Терешкова номли	84,56	69,63	Ўрта Чирчиқ
«Ўзбекистон»	84,50	88,81	Коммунистик
Свердлов номли	84,18	59,58	Ўрта Чирчиқ
Навоий номли	83,94	57,44	Чиноз
Энгельс номли	83,50	76,15	Ўрта Чирчиқ
Калинин номли	83,47	70,43	Пискент
Вотинцев номли	83,45	57,25	Оққўрғон
Ленин номли	80,20	83,25	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	80,19	74,44	Оққўрғон
«Қизил Октябрь»	79,46	62,95	Чиноз
«Заря коммунизма»	79,22	85,19	Ғалаба
«Коммунизм»	78,22	64,02	Ўрта Чирчиқ
«Октябрь 40 йиллиги»	77,90	50,38	Чиноз
К. Маркс номли	77,48	77,82	Бўка
Свердлов номли	76,03	77,74	Коммунистик
«Озод»	75,58	64,67	Оққўрғон
«Победа»	74,06	27,11	Бекобод
Навоий номли	73,96	25,17	Бекобод
«Ленинобод»	73,25	49,22	Оққўрғон
Дзержинский номли	72,93	51,19	Бекобод
«Гулистон»	72,82	58,30	Пискент
Куйбишев номли	72,12	62,67	Оққўрғон
Ленин номли	61,67	55,90	Пискент
«Коммунизм»	71,59	44,63	Бекобод
Охунбобоев номли	71,42	55,34	Чиноз
«Ўзбекистон 50 йиллиги»	71,35	51,79	Пискент
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	71,29	55,37	Чиноз
Ким Пен Хва номли	70,89	68,01	Ўрта Чирчиқ
Ҳ. Олимжон номли	70,72	67,83	Оққўрғон
К. Маркс номли	70,00	63,10	Коммунистик
Энгельс номли	68,61	32,48	Чиноз
Киров номли	68,60	47,39	Ғалаба
Свердлов номли	68,42	67,93	Ғалаба
Димитров номли	67,40	57,06	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	66,80	51,14	Оққўрғон
Ҳамза номли	66,24	58,63	Ғалаба
Ленин номли	65,95	69,56	Ғалаба
«Интернационал»	65,88	60,50	Янгийўл
К. Маркс номли	65,60	65,58	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	65,12	15,80	Янгийўл
«СССР 60 йиллиги»	63,91	51,50	Янгийўл
«Москва»	63,31	41,78	Чиноз
Калинин номли	61,92	21,05	Янгийўл
«Северний маяк»	60,00	43,24	Ўрта Чирчиқ
Ниёзов номли	59,46	20,13	Янгийўл
«Партия XXI съезди»	58,19	13,50	Янгийўл
«Москва»	57,48	47,35	Ғалаба
Тельман номли	56,88	36,15	Пискент
Киров номли	55,19	21,64	Чиноз
Турсунқулов номли	54,30	6,88	Янгийўл
«Ленинизм»	54,28	23,22	Янгийўл

Совхозлар:

«САМИС»	91,60	91,50	Янгийўл
«Оққўрғон»	86,61	86,00	Оққўрғон
«Ленинград»	85,93	29,42	Бекобод
«Партия XXVI съезди»	85,84	65,58	Пискент
Мавлонов номли	84,02	70,19	Бекобод
Сегизбоев номли	83,22	79,04	Оққўрғон
«Пискент»	82,53	54,87	Пискент
«Бўка»	80,60	50,51	Бўка
«Далварзин»	79,83	54,51	Бекобод
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	77,04	62,54	Ғалаба
«Партия XXV съезди»	75,55	48,11	Бекобод
«Қўқорол»	75,31	67,93	Бўка
Бўка техникуми ўқув хўжалиги	71,67	50,00	Бўка
«Авангард»	69,44	39,51	Бекобод
Ойбек номли	67,65	60,19	Бекобод
Колпакова номли	66,51	5,44	Бекобод
Киров номли	65,31	43,04	Ғалаба
«Коммунизм»	64,55	50,20	Ғалаба
«ТИИИМСХ» ўқув хўжалиги	64,41	59,56	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXIV съезди»	60,36	0,92	Чиноз



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қизлархон Дўстмуҳамедова ва республика халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Қаҳрамон Дадаевни республикамиздан ташқарида ҳам яхши биладилар. Қизлархоннинг жозибали рақслари, Қаҳрамон Дадаевнинг донрадаги маҳорати ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги томошабинларни мафтун этиб келмоқда. Суратда: Қизлархон Дўстмуҳамедова ва Қаҳрамон Дадаев.

А. Рисқиев фотоси.
ЎзТАГ фотохроникаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЕТМАК ҚАЛАМЧАЛАРИ

Мамлакатда илк бор етмак қаламча билан кўпайтирила бошланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти олимларининг илмий изланишлари, тадқиқотлари шунга имкон яратди. Янги усул билан дори ва озиқ-овқат саноати учун қимматли хом ашё запасларини анча тез тиклаш имконияти яратилди.

Шу мавсум етмак хўжалигининг сунъий кўпайтириш участкаларида деҳқонлар гектар бошига илк бор 100 центнердан биомасса олдилар. Ҳолбуки, етмак табиий ўсадиган жойларда унинг ҳосилдорлиги 20—30 центнердан ошмайди. Янги усул билан кўпайтириш ҳаражатлари икки йилда қопланади.

БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРГА МУВОФИҚ

Пахта йиғим-терими мавсуми арафасида Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармаси томонидан пахтакорларга намунали хизмат кўрсатиш тадбирлари белгиланган эди. Ана шунга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Марказий универмаг, Бош универмаг, Фрунзе ва Чилонзор савдо марказлари, «Тошкент» фирмасининг сотувчилари график асосида областимиз пахта далаларида бўлмоқдалар. Шу кунгача теримчиларга 280 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 52 минг сўмлик иссиқ кийим, пойабзал ва бошқа саноат моллари сотилди.

«ТАБИАТ ЭҲСОНЛАРИ»

Янгийўл шаҳридаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида «Табиат эҳсонлари» анъанавий байрами бўлиб ўтди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган махсус кўргазмада ранго-ранг гулдасталар, турли сайроқи қушлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари намойиш қилинди. Байрам янгийўллик мактаб ўқувчиларининг ёшлик, меҳнат ва бахт ҳақидаги дилрабо қўшиқлари билан якунланди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. ҲАСАНОВ жавоб беради.

САВОЛ: менинг етти фарзандим бор. Умумий иш стажим 8 йилни ташкил қилади. Охирги йилларда ўрта мактабда техника ходими бўлиб ишладим. 70 сўм ойлик олар эдим. Айтинг-чи, мен қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми? Агар мумкин бўлса қаерга мурожаат қилишим керак?

Б. КОМИЛОВА,
Янгийўл шаҳри.

ЖАВОБ: амалдаги қонунда беш ёки ундан ортиқ бола туққан, 15 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар 50 ёшдан бошлаб қарилик пенсиясига чиқишлари мумкин, дейилган. Агар сўнгги иш стажингиз 15 йилдан кам бўлса, у ҳолда тўлиқ бўлмаган меҳнат стажи тартибида (иш стажи беш йилдан кам бўлмаса) қарилик пенсиясини тайинлаш имтиёзидан фойдаланишингиз мумкин. Бунда сиз район (шаҳар) социал таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

●

САВОЛ: мен 40 йилдан бери ишлайман. Шундан 14 йили колхозда меҳнат қилганман. Совхоз ташкил бўлганидан бери трестга қарашли совхозда ишлаб келмоқдаман. 1959 йилдан «Бўстонлик» совхозидан кўчириш йўли билан «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхозида 1961 йилгача ишладим. 1961 йили яна «Бўстонлик» совхозига ўтиб, шу кунгача ишлаяпман. Айтинг-чи, мен пенсияга 20 процентли қўшимча олишим мумкинми?

Б. ИНОҒОМОВ,
Бўстонлик райони, Сижжак қишлоғи.

ЖАВОБ: йўқ. Чунки қонун пенсияга 20 процент қўшимча олиш ҳуқуқини қадимдан бир корхона, ташкилот ёки муассасада узлуксиз 25 йил (эркаклар учун) ишлашни, умумий стаж 35 йил бўлишини талаб этади.

Сиз келтирган мисолга кўра, ҳар икки совхоз мустақил ташкилот ҳисобланиб, улар трестнинг ишлаб чиқариш структураси бирлигига киритилган эмас. Демак, бир совхоздан иккинчисига ўтганингизда қўшимча пенсия олиш имтиёзини берувчи меҳнат стажингиз узилган.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»ДАГИ СЎНГГИ ЎЙИН

Тошкентлик футболчилар ўтган дам олиш куни ўз майдонларида мавсумнинг сўнгги учрашувини Москванинг Марказий Армия спорт клуби билан ўтказишди. Константин Новиков киритган ягона тўп майдон эгаларига ғалаба келтирди. «Пахтакор» очколарини 35 тага етказиб, жадвалда ўнликдан жой олиб турибди.

Кеча медалларга даъвогарлар «Спартак» — «Динамо» (Минск) учрашуви билан навбатдаги турга якун ясалди. Ўтган куни эса шу турнинг асосий ўйинлари бўлиб ўтди. Чемпионликка даъвогар Днепропетровскнинг «Днепр» командаси сафарда «Нистру» устидан 1:0 ҳисобида устун келди. «Зенит» ўз майдонида пойтахт автозаводчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бронза медалига даъвогарлик қилмоқда. Киев динамочилари эса Бокуда «Нефтчи» меҳмони бўлиб, 0:2 ҳисобида енгилишди. Бошқа ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Динамо» (Москва) — «Жальгирис» —1:2, «Динамо» (Тбилиси) — «Металлист» — 0:0, «Черноморец» — «Шахтёр» —2:1.

«Пахтакор» чемпионатнинг сўнгги икки ўйинини сафарда 28 октябрда «Жальгирис» ва 6 ноябрда Минск динамочилари билан ўтказади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА

1 НОЯБРДАН 8 НОЯБРГАЧА

«ОКТЯБРГА ШОН—ШАРАФЛАР» ШИОРИ ОСТИДА КИНОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗАДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ
«СОЮЗ» КИНОТЕАТРИДА

2—3 ноябрь — Умид юлдузи.
4—5 ноябрь — Узоқдан келган аёл.
7 ноябрь — Ботқоқдаги кишилар (2 серия).
8—9 ноябрь — Парвоз (2 серия).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

НАВОИЙ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

2—3 ноябрь — «Ўлим» сўзини унутинг.
4—5 ноябрь — Пистирма.
6 ноябрь — Людмила.
7 ноябрь — Бўйсунмас.
8 ноябрь — Шайтонга қопқон қўйманг.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

«ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА

2—3 ноябрь — Марианна.
4—5 ноябрь — Генерал Шубников корпуси.
6 ноябрь — Революция — менинг муҳаббатим.
7 ноябрь — Қанотлар ҳақида достон.
8 ноябрь — Ленин Парижда.

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ

«БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

2—3 ноябрь — Полковник Шалигинни қутиш.
4—5 ноябрь — Разведкачининг жасорати.
7 ноябрь — Катта-кичик уруш.
8 ноябрь — Кўринмас сабабларсиз.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

«ВОСХОД» КИНОТЕАТРИДА

1—2 ноябрь — Людмила.
3—4 ноябрь — Ботқоқдаги кишилар.
5—6 ноябрь — Шайтонга қопқон қўйманг.
7—8 ноябрь — Бўйсунмас.

БЕКОБОД ШАҲРИ

«ЮБИЛЕЙ» КИНОТЕАТРИДА

1—2 ноябрь — Владивосток, 1918 йил.
3—4 ноябрь — Марияниng онаси.
5—6 ноябрь — Буюк фидоий (2 серия).
7—8 ноябрь — Майда ҳарф билан ёзилган икки мисра.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

«КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА

1—2 ноябрь — Лесная кўчасидаги уй.
3—4 ноябрь — Саҳро қўёши.
5—6 ноябрь — Катта-кичик уруш.
7—8 ноябрь — Дўстлар.

АНГРЕН ШАҲРИ

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

1—2 ноябрь — Октябрь кунларида.
3—4 ноябрь — Катта-кичик уруш.
5—6 ноябрь — Саҳро қўёши.
7—8 ноябрь — Парвоз (2 серия).

БЕКОБОД РАЙОНИ

НОДИРА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

1—2 ноябрь — Дўстлар.
3—4 ноябрь — Катта-кичик уруш.
5—6 ноябрь — Владивосток, 1918 йил.
7—8 ноябрь — Марияниng онаси.

БЕКОБОД ШАҲРИ

«МЕТАЛЛУРГЛАР» САРОЙИДА

3—4 ноябрь — Владивосток, 1918 йил.
5—6 ноябрь — Марияниng онаси.
7—8 ноябрь — Буюк фидоий (2 серия).

КОЛХОЗДА КЎРГАЗМА

РАССОМНИНГ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИГА ТУҲФАСИ

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз клубида Тошкентлик атоқли рассом Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг шахсий виставкаси очилди. Виставкага рассомнинг 60 дан ортиқ ишлари қўйилган. Томошабинлар мўйқалам устасининг «Янги ҳосил», «Беланчак», «Тунги суғориш», «Биринчи колхоз раиси портрети» ва бошқа полотноларини қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Зокир Иноғомов Ленин номли колхозининг доимий аъзоси бўлиб қолган. У шу колхоз қишлоғида туғилган ва шу ердан санъат оламига қадам қўйган. Унинг полотноларидаги кўпчилик қаҳрамонлар шу колхозда яшайди. Уларнинг ёрқин образлари моҳир рассом ижодида ўз аксини топган. Шундай асарлардан унинг «Колхоз раиси Т. Нормуҳамедов», «Қишлоқ олими Ф. Зайниддинов портрети», «Медицина профессори Қўчқор Жўраев», «Кундузги суғориш» ва бошқа полотноларини кўрсатиш мумкин.

З. Иноғомов колхозда 35 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Қишлоқ ҳаёти, халқ урф-одатлари мўйқалам устасига яхши таниш. Жонажон заминдан рассомга «Наврўз байрами», «Қишлоқда баҳор», «Фермада» ва бошқа расмларнинг яратилишига илҳом бағишлаган.

Колхозда атоқли рассомнинг шахсий кўргазмаси очилиши қишлоқ аҳолисининг ҳаётида катта воқеа бўлди. У ҳаяжонли санъат байрамига айланди. Кўргазманинг тантанали очилишида Ўзбекистон Рассомлар союзининг раиси, СССР Халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг мухбир-аъзоси Раҳим Аҳмедов, профессор Л. Ремпель, колхоз раҳбарлари ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

КАВКАЗ ҚАҲРАМОНИ

Ҳурматли редакция!
Биз пойтахтдаги генерал Петров кўчасида истиқомат қиламиз. Кўчамизга номи қўйилган саркарда ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истар эдик.
Салом билан И. СОЛИЕВ, И. ЭРГАШЕВ, М. ХОЛМАТОВА, М. ТУРДИЕВ, ишчилар.

Ўттизинчи йилларда ва қирқинчи йилларнинг бошларида Тошкентдаги ҳарбий билим юртида таҳсил кўрганлар ўз бошлиқларини жуда бир самимият билан эслашади. Баланд бўйли, ҳарбий кийими ўзига ярашган генерал Петров кўпинча билим юрти биносига кираверишдаги зина олдида туриб ҳар бир курсантни диққат билан кузатар эди. Курсантлар Ўрта Осиёда кўп йиллар хизмат қилиб, босмачилар тўдасини йўқотишда фаол иштирок этган саркардага ҳавас билан боқишар, мен ҳам шундай генерал бўлсам деб орзу қилишар эди.

Дарҳақиқат, Иван Ефимович Петров ҳавас қилса арзийдиган ҳарбийлардан эди...

Генерал Петров зиммасига Гражданлар уруши йилларида Чапаев дивизияси номи билан машҳур бўлган қўшинларни, шаҳар мудофаасининг сўнгги босқичида эса қуруқликдаги қўшинларнинг ҳарбий қўшилмаси ҳисобланган армияни бошқариш вазифаси юклатилди. Ўз-ўзидан равшанки, кўмондон шаҳар мудофаасида қуруқликдан кутиладиган душманнинг барча ҳужумларини қайтаришга масъул шахс эди.

Одесса шаҳрининг мудофааси Иккинчи жаҳон уруши тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирган. Мудофаа марказида генерал-майор Иван Ефимович Петровнинг қўшинлари турар эди. У душман Украинанинг жанубий қисмини босиб олишга хавф солиб турган қисқа бир вақт ичида отлиқ дивизияни тарқиб топтиришга муваффақ бўлди. Бу қисмлар тажрибали саркарда раҳбарлигида гитлерчиларнинг зарбдор кучига етарлича қаршилик қила олди.

Олий Бош қўмондонлик И. Е. Петров ишлаб чиққан планга мувофиқ 1941 йилнинг 16 октябригача ўтар кечаси қўшинларга ўз мудофаа марраларини ташлаб кетиш ҳақида кўрсатма берди. Қўшинлар ташкилий равишда Одессадан денгиз орқали жанг қизиб турган Қримга ўтиб кетдилар. Душман чўчиб бир кеча-кундуз давомида, мудофаасиз қолган шаҳарга кира олмади.

Одесса учун бўлган етмиш уч кунлик жанг бизнинг армиямизнинг биринчи йирик ғалабаси сифатида тан олинди. Унда шубҳасиз генерал Петровнинг ҳиссаси катта эди. Унинг номи Севастополь тарихида ҳам абадий қолган. 250 кунлик жанг мобайнида саркарда ҳарбий билимининг ниҳоятда чуқур эканлигини исботлади. Қўмондон ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам душман фикрини олдиндан сеза билди ва тезлик билан қарши ҳужум уюштира олди. Петровни деярли ҳар куни олдинги маррада ҳам, жангчиларни қурол-яроғ билан таъминлаётган шаҳар корхоналарида ҳам, денгизчилар ҳузурида ҳам учратиш мумкин эди.

1942 йилнинг сентябрь ойида Новороссийск ва Туапсе районларини душман ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида Закавказье фронтининг Қора денгиз қўшинлари группаси ташкил қилинди. 11 октябрь куни генерал-майор Петров унинг қўмондони қилиб тайинланди. Тоғ-ўрмон шароитида, бунинг устига қиш-қировли кунларда мудофаани ташкил этиш ниҳоятда мураккаб эди. Шунга қарамай 17 декабрда Қора денгиз қўшинлари группаси муваффақият қозонди. Душман ҳаракати тўхтатилди. Бизнинг қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтдилар. Шу тариқа душманнинг Туапсени ишғол қилиш ҳамда Қора денгизга ўтиб олиш режаси пучга чиқарилди. Айни вақтда гитлерчилар тоғли районлардан улоқтирилиб, Краснодар ўлкасининг қатор аҳоли пунктлари озод этилди. Кавказни душмандан тозалаш бошланди.

Ҳали Сталинград остоналарида Паулюс армияси устидан узил-кесил ғалаба қозонилмай туриб, Шимолий Кавказда совет қўшинларининг жадал ҳужумлари бошланиб кетди. 1943 йил январича Краснодар ўлкаси босқинчилардан озод қилинди. И. Е. Петров 9 октябрда Олий Бош қўмондонликка Тамань ярим оролида жанглар тугаганлигини маълум қилди. Эълон қилинган буйруқда жумладан шундай дейилган эди: «Тамань ярим оролида ва Кубанда асирлардан ташқари бирорта ҳам тирик немис қолмади». Шу куни Ватанимиз пойтахти Москвада артиллерия тўпларидан йигирма марта салют берилди. Бу Шимолий Кавказ фронти қўшинлари жасоратини шарафлаш эди.

Бир йилга етар-етмас вақт ичида И. Е. Петров навбатдаги икки генераллик унвонига сазовор бўлди: генерал-лейтенант ва генерал-полковник унвонларини олди. У Кавказ учун бўлган жангларда ҳам ғалаба нашидасини сурди. Бу билан қисқа вақт ичида дивизия командирлигидан фронт қўмондонлигига бежиз тайинланмаганлигини яна бир карра исботлади.

Шу ўринда яна бир нарсага ўқувчи эътиборини қаратишни истар эдим. Генерал Петров бошчилигида ҳамда бевосита унинг иштирокида немис-фашист газандаларидан озод қилинган барча денгиз бўйи шаҳарларига — Одессага, Севастополга, Новороссийскка, Керчга Қаҳрамон шаҳар деган фахрий унвон берилган.

Бизнинг устозимиз — ажойиб саркарда Иван Ефимович Петров Улуғ Ватан уруши йилларида мардлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, ўз қўл остидаги генераллар, офицерлар ва солдатларга шахсан намуна бўлди. Шунинг учун унинг номи ҳамон эъзозланади. Тошкент кўчаларидан бири генерал Петров номи билан аталади. Бу кўчанинг пойтахтдаги умумқўшин ҳарбий билим юртидан бошланишида ҳам рамзий маъно бор.

Николай ЕФРЕМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

МЕҲНАТ МАДҲИ

Шон-шуҳрат — меҳнатга яраша. Редакцияга келаётган хатларнинг аксарияти шу куннинг ана шу руҳи билан йўғрилган. Уларнинг айримларида инсон саломатлиги йўлида фидокорлик кўрсатиб ишлаётган шифокорлар ҳақида ҳикоя қилинса, баъзиларида ҳаётимизга тобора янгича урф-одатларни жорий этиш учун катта ишлар олиб бораётган партия, совет ҳодимларининг хизмати ҳақида сўз боради.

Бекобод районидан бизга хат йўллаган Олия Қосимова район марказий шифохонаси коллективи ҳақида тўлқинланиб ёзибди. Касалхонанинг туғруқхона бўлимида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Светлана Петровна Артур, Ҳалима Ғаниева, Ҳамза Латипова сингари гинеколог-врачлар, Флюда Дусаева, Марғуба Ҳайдарова, Зебо Умурзоқова каби акушерларнинг хизмати, хушмуомалалигидан оналар беҳад хурсанд.

Хат муаллифи бўлимда оналар учун «Аёлларнинг шахсий гигиенаси», «Чақалоқ тарбияси», «Ёш онага эслатма» мавзуида мунтазам суҳбатлар ўтказилаётганлигини ҳам қайд этган.

Коммунистик районидан мактуб йўллаган Луиза Бобоева эса ўз акасини дарддан халос этган Аргамчи қишлоқ касалхонаси шифокорлари Б. Холов, А. Нуров, А. Цой, К. Цойлар номини ҳурмат билан тилга олган. Шу райондан М. Ҳасанова ҳам ўз севган касбини ўн саккиз йилдан буён эъзозлаб келаётган Жумабозор қишлоғи медицина пункти ҳамшираси Яхшигул Тюлтеева ҳақида илиқ гапларни ёзган.

Халқимиз ўқитувчи номини ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. У ўзининг билими, қалб қўри саховати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда жонкуярлик қилади. Партия ва ҳукуматимиз томонидан ўқитувчилар обрўсини янада кўтариш, уларнинг малакасини тинмай ошириш йўлида жуда катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Областимизда халқ маорифини ривожлантириш ишига ўқитувчилар жуда кўп ҳисса қўшаётирлар. Оҳангарон районидаги Беруний номли 42-ўрта мактаб директори Вазира Аҳмедова ҳақидаги лавҳани бизга Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти Ў. Усмонова ёзиб юборган.

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Янгича анъаналарнинг кундалик турмушга тобора чуқурроқ сингиши туфайли турмуш маданияти ўсиб боряпти. Ёшларни Совет Армияси сафига тантанали кузатиш, кексаларни пенсияга узатиш, тўйларни ихчам, серфайз, замонавий ўтказиш борасида кўпгина тадбирлар амалга ошириляпти. Бекободлик Ш. Умиров, оққўрғонлик Р. Зокиров ҳамда Бўстонлик районидан Ҳ. Иброҳимовларнинг хатлари ана шу мавзуга бағишланган.

Пойтахтнинг Чилонзор районидан хат йўллаган Абдусамат Юнусов кейинги йиллар ичида педагоглар учун қулайликлар яратилаётганлигидан миннатдор эканлигини изҳор этган. Хусусан, Наталья Билбоеванинг «Ўқитувчи» нашриёти томонидан нашр этилган «Болангиз мактабга боради» сарлавҳали ота-оналарга ҳам, бошланғич синф ўқувчиларига ҳам катта ёрдам беришини таъкидлайди. Бўка районидаги А. Навоий номли ўрта мактаб директори Вазира Аҳмедова ҳақидаги лавҳани бизга Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти Ў. Усмонова ёзиб юборган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I.

9.00 — «Время».
9.40 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.10 — Ҳужжатли фильм.
11.00 — «Кўк сурати». Бадиий фильм.
12.25 — Фильм-концерт.
13.15 ва 15.00 — Янгиликлар.
15.20 — Ҳужжатли фильмлар.
16.35—Стадион ҳамма учун.
17.05—Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар.
17.35 — Кинокўрсатув.
18.15 — «Ёшлар адреслари».
18.35 — Концерт.
18.45 — «Фан ва турмуш».
19.15 — Дунё воқеалари.
19.35 — «Ҳозирги дунё ва ишчилар ҳаракати».
20.05 — Фильм-концерт.
20.30 — Ҳужжатли фильм.
21.30 — «Время».
22.05 — Концерт.
22.25 — Ҳужжатли экран.
23.25 — Дунё воқеалари.
23.40 — Спорт ҳафталиги.

МТ-II.

9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Физика. 10.05 ва 13.55 — Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — «Академик С. И. Вавилов». 14.25 — «Прометей ворислари». 15.25 — «Байроннинг романтик театри». 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «16 ёшгача ва ундан катталар». 19.50 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.25 — Илмий оммабоп фильм. 20.30—«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — «Время». 22.05 — «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати.

ЎзТВ-I.

11.30 — Физика.
12.00 — Телефильм.
12.30 — Адабиёт.
13.00 — Концерт.
18.05 — Мультфильмлар.
18.30 — «Шоирлар — болаларга».
19.05 — Идеология иши бутун партиянинг иши.
19.30 — «Ахборот».
19.45 — Чорвачилик — зарбдор фронт.
20.00 — «Буюк рассомлар».
20.30 — «Ахборот».
20.50 — Концерт.
21.30 — «Время».
22.05 — «Хирмонингизга барака».
22.25 — А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг Москвадаги гастроллари.
23.25 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II

18.10 — Телефильм.
19.00 — Ўқитувчилар учун консультация.
19.30 — Телефильм.
20.00 — Янгиликлар.
20.20 — «Ёшлик».
20.50 — Ҳужжатли кино экрани.
21.30 — МТ-II

Р. 02247. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1702. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12